Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2018-yil 6-yanvar • shanba • №2 (3975)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch-doverie.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қувончлар бир олам!

Меҳрибонлик уйи, мактаб-интернат тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган болалар, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига арча байрами, театр томошалари, саёҳатлар уюштириш, совға-саломлар билан сийлаш ва бошқа тадбирлар юқори савияда ташкил этилди.

2-бет

Узайтирилган дам олиш кунлари таассуротга бой бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

4-бет



«Тошкент — Чимкент — Тошкент» йўналишида автобусларнинг илк қатнови муваффақиятли амалга оширилди

4-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ.И.ИБРАГИМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ғуломжон Иномович Ибрагимов Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 январ

«HIGHWAY LOGISTICS» МАРКАЗИ ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги тарихий-маданий, савдо-иқтисодий алоқалар ривожида Буюк ипак йўли муҳим ўрин тутган.

Глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида Буюк ипак йўли анъаналарини қайта тиклаш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг минтақада муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро транспорт коммуникацияларига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлашдаги интилишлари ҳам ана шундай мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.

Тошкент вилояти Зангиота туманида «Highway Logistics» замонавий логистика марказининг қад ростлагани бу борадаги эзгу интилишларнинг амалий ифодаси бўлди.

2 ▸

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январ куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб, Зангиота туманидаги «Highway Logistics» логистика марказига ташриф буюрди.

Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, замонавий қулайликлар яратилган марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Грузия каби давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд ва ҳудуди 14,2 гектар бўлган марказда 350 иш ўрни яратилган. Унинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннага тенг.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. Бу ерда марказлашган маҳсулотлар омбори, божхона пости, банк, декларация тўлдириш, сертификатлаштириш ва кўрикдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматлари кўрсатиш, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда замонавий технологияларни қўллаш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

Шу ернинг ўзида Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018-2019 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш дастурлари тақдимоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Занги ота мажмуасини зиёрат қилди.

Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгийўл шаҳридаги «Файзли» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Шу ерда Янгийўл шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси, шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Янгийўл шаҳрида қарийб 87 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда 241 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 та янги уй-жой қуриш, замонавий боғ, бозор, супермаркет, кўприк барпо этиш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалардан шаҳарда окова сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш дастури, Қибрай ва Зангиота туманларида сув таъминотини яхшилаш, Чирчиқ шаҳрининг иссиқлик тизимини такомиллаштириш каби маълумотлар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари «Файзли» маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Анвар Тошевнинг хонадонида бўлди.

Бугунги кунда ушбу маҳаллада 4 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Шавкат Мирзиёев маҳалла аҳли билан мулоқот қилди.

Кейинги манзил Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўлди.

Шавкат Мирзиёев тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишди. Беморлар аҳволи, турмуш шароити билан қизиқди, мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари шифохонанинг кардиология бўлимида даволанаётган Зулайҳо Алиева билан суҳбатлашди, унинг турмуш шароити, оиласидаги аҳвол билан қизиқди. Шу куннинг ўзида Президентимиз топшириғига биноан З.Алиева пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига даволанишга юборилди. Шунингдек, ушбу оилага уч хонали янги уй ажратиладиган бўлди.

Янгийўл туманида 262 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман тиббиёт бирлашмасининг биринчи биноси 1912 йилда қурилган. Сўнгги биноси 1979 йилда фойдаланишга топширилган. Кейинги йилларда бинолларда қисман таъмирлаш ишлари бажарилган. Бугунги кунга келиб шифо масканининг аксарият бинолари маънан эскирган. Тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражаси ҳам замон талабларига жавоб бермайди. Оддий ҳолатларда ҳам беморлар пойтахтдаги тиббиёт масканларига қатнаб, муолажа олишга мажбур бўлмоқда.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад одамларни рози қилиш, саломатлигини янада мустаҳкамлашдир, деди Президентимиз. Жойлардаги аҳвол билан танишаётганимиз, тиббиёт муассасаларидаги шароитларни ўрганаётганимиз келгуси ишларимизни тўғри йўлга солишда яхши самара беради.

2 ▸

Имкониятлар самараси

Андижон шаҳридаги собиқ «Электродвигатель» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида ташкил этилган кичик саноат зонасида ҳозирга қадар 21 корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 304 иш ўрни яратилди.

Ушбу саноат зонаси таркибидаги «Стапак ривож» масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен халталар ишлаб чиқариш, плёнкага гул босиш, ёрлиқлар чоп этиш йўлга қўйилган. 11 киши доимий иш билан таъминланган корхонада қисқа муддатда 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди.

Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ
(ЎзА) олган сурат.

Қарор ва ижро

Эзгу амаллар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун ҳамда кучли ижтимоий ҳимоя устувор тамойил эканлигига яққол мисолдир. Ушбу қарор асосида касаба уюшмалари томонидан эҳтиёжманд ва ғамхўрликка муҳтож фуқароларга эътибор ва моддий кўмак берилаётгани эса нур устига аъло нур бўлаётир.

Жумладан, Наманган вилоятидан 72 нафар бемор рўйхати шакллантирилди. Ҳар бир тумандан 6 нафар бемор туман тиббиёт бирлашмаси ва маҳаллий ҳокимлик томонидан тасдиқланиб, даволаниш йўлланмаларига эга бўлди. Саралаш асноси асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож эканлигига қаратилди.

Республикадан вилоят касаба уюшмалари қошида ташкил этилган махсус ҳисоб-рақамга ушбу хизматлар учун 288 миллион сўм маблағ ўтказилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар тиббий амалиётлар учун беморлардан 12 нафарига республика клиникаларида, 8 нафарига вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, 1 нафарига Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, 6 нафарига вилоят кардиология марказида даволаниши учун етарли маблағ кўчирилди. Бундан ташқари, 13 беморга дори-дармон учун маблағ йўналтирилди. Умумий ҳисобда 40 нафар бемор учун яхши яшаш имконияти яратилди. Яна 32 нафар беморнинг даволаш муассасалари билан шартномалари давом эттирилиши ҳамда хайрия маблағлари тўлиғича йўналтирилиши кўзда тутилган.

2 ▸

Бунёдкорлик

Гулистонда «Буюк келажак» маҳалласи

Гулистон шаҳрида бешта кўпқаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги қарори ижроси доирасида ҳар бири қирқ бештадан, жами 225 хонадонга мўлжалланган ушбу уйлар барча қулайлик — табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланган. Айниқса, ҳар бир хонадонга ўрнатилган икки контурли замонавий иситиш қозонининг ишлаш тизими уй соҳибларига маъқул бўлмоқда. Гулистонда барпо этилаётган ушбу янги маҳаллага «Буюк келажак» деган ном берилди. Айни пайтда бу ерда яна саккизта уй қурилмоқда. 2020 йилга қадар шаҳарда яна 15 та кўпқаватли турар жой барпо этилиши режалаштирилган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Юксалиш одимлари

Миллий тараққиётнинг қонуний ва иқтисодий негизи

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, миллий иқтисодиётимизнинг ривожига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигига боғлиқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий негизини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш ташкил этади. Хусусийлаштиришнинг стратегик вазифалари Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан дастлаб «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992 й.), «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993 й.) ҳамда «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995) номли асарларида жуда кенг асослаб берилган.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти — уни дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат эканлигидир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг юқори натижаларга эришишида қуйидаги ўзига хос жиҳатлар бирламчи аҳамият касб этади:

— мазкур жараёнларнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш;

— мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиш;

— мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, демографик, маданий-руҳий хусусиятларини эътиборга олиш;

— хусусийлаштириш жараёнларини махсус меъёрий-ҳуқуқий асослар билан таъминлаш;

— ҳар бир алоҳида ҳолат учун хусусийлаштиришнинг энг мақбул усулларини танлаб олиш;

— мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш ва ҳоказо.

3 ▸

ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

◂1

Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудуди салкам 10 гектар. Давлатимиз раҳбари бу ерда яқин келажакда 5 гектарда 20 дан ортиқ йўналишда хусусий, қолган қисмида давлат тиббиёт муассасалари ташкил этиш, уларни энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимиз Қуйи Чирчиқ туманидаги собиқ «Каноп» заводи ҳудудида бўлиб, қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини кўздан кечирди, аграр соҳани ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етиштириладиган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараённи ўз ичига олган кластерлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бундай чора-тадбирлар яхши натижа бермоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Бўка туманларида ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик кластер лойиҳалари билан танишди. Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманида 2018-2020 йилларда пахта етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи ўзида тўла жамлаган кластер лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 59 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этилади, 600 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Жорий йилда мамлакатимизда 60 дан зиёд ана шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Қуйи Чирчиқ туманида «Gold Agro Standart» масъулияти чекланган жамияти томонидан гўшт етиштиришга ихтисослашган қиймати 7 миллиард сўмлик чорвачилик фермаси ташкил этилмоқда. 2018 йилнинг тўртинчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган мазкур мажмуа аҳолига йилига 360 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб беради. Лойиҳа амалга оширилгач, 25 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Бекобод туманида агрологистика маркази ташкил этиш лойиҳасида мева-сабзавотларни музлатиш, қуритиш, қадоқлаш ва сақлаш кўзда тутилган. Умумий майдони 2,5 гектар бўлган марказ 2019 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилади. Бунинг натижасида 200 нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Йилига 8,6 миллион долларлик маҳсулот Япония, Жанубий Корея ва Европа Иттифоқига экспорт қилинади.

Шунингдек, Тошкент вилоятида амалга ошириладиган чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни янада ривожлантириш, каноп етиштириш, шолини қайта ишлаш, спорт ва хизмат отлари учун карантин ҳамда ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича ҳамда от заводи мажмуаси, иссиқхоналар ташкил этиш каби лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказган учрашув ва мулоқотлари чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-оналардан бўлган мурожаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар билдирилди.

2017/2018 ўқув йилидан мактабларда 10-синфлар ташкил қилингани муносабати билан касб-ҳунар коллежларининг бўш ётган биноларидан янада самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизга Оққўрғон туманидаги собиқ касб-ҳунар коллежлари биносидан самарали фойдаланиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, ҳунармандчилик тўгараклари ташкил этиш таклифи билдирилди. Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи биносида ёшларни касбга тайёрлаш ва миграция маркази ташкил этиш, «Жамоатчилик маркази», «Оққўрғон савдо маркази» каби лойиҳалар ўрин олган.

Бўш турган объектларни сотишда очиқлик ва адолат тамойилларига амал қилиш зарур. Бунинг учун электрон савдоларни йўлга қўйиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда туман марказини замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида қайта қуриш, эски бозорни янги жойга кўчириш ва ўрнида кўркам боғ барпо этиш, шаҳар Бош режаси лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, уларни янада такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш лозимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, молиялаштириш манбасини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, ижтимоий шароитни яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ғ.Ибрагимов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

ЎзА

Эзгу амаллар

◂1

— Дард одамни ҳар томонлама синаркан, — дейди Тўрақўрғон тумани «Қўшқайрағоч» маҳалласида яшовчи Улуғбек Эргашев. — Отам инсулт бўлиб, ётиб қолган. Менинг икки бармоғим куйганлиги боис кестиришга тўғри келди. Бу ҳолатда бошқалар билан тенгматенг ишлашнинг ўзи эмас.албатта. Мана бугун кўриб, гувоҳи бўлиб турибмизки, Давлатимиз раҳбарининг бу каби саховатли ишлари кўнглимизга қайта қувонч улашмоқда.

У.Эргашев ушбу хасталикни амалиёт йўли билан даволатиш учун Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтига жўнаб кетди. Яна бир бемор — оқтошлик Инъомжон Холмирзаевга молиявий кўмак кўрсатилиб, дори-дармон олиб берилди.

— Наманган туманидаги «Бозорбоши» МФЙда истиқомат қиламиз, — дейди Икром Имомназаров. — Аёлим 2002 йилдан бери буйрак-тош касаллигидан қийналади. 2008 йилда операция қилдирсак-да батамом тузилиб кетмади. Хайрия тадбири давомида турмуш ўртоғимнинг буйрагини қайта операция қилишди. Операция яхши ўтди, барча харажатлар Президентимиз қарорига биноан касаба уюшмаси томонидан қопланди.

Аббосхон МАМАДАЛИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилоятидаги масъул ташкилотчиси

***

Инсонпарварлик, саховат ва бағрикенглик халқимизга хос юксак фазилатлардан саналади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига имкон даражасида ёрдам бериш давлатимизнинг алоҳида эътиборида.

Ушбу жараёнда Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, вилоят бўйича 20 та оилани уй-жой билан таъминлаш, 1110 та оилага маиший-техника жиҳозлари олиб бериш, 60 та оиланинг тиббий ёрдамга муҳтож аъзолари саломатлигини тиклаш, 100 та хонадонни жорий таъмирлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ишлари режалаштирилди. Эзгу ишларга ташкилотчилик қилаётган касаба уюшмаларига ҳамкор ташкилотлар ҳамда шаҳар, туман ҳокимликлари яқиндан кўмак беришди.

Айни пайтда хайрли тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, жумладан, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота, Томди ва Учқудуқ туманларида юқори савияда ташкил этилиб, янги йил арафасида ёрдамга муҳтож оилаларга бир олам қувонч улашилди.

«Ҳар бир фуқаро Президентимиз эътиборида» шиори остидаги мазкур хайрия тадбирлари одамлар қалбида эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Бемор инсонларнинг хонадонларига манзилли ташрифлар уюштирлмоқда. Жумладан, ишчи гуруҳ аъзолари Кармана тумани, «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Умид Турдиев хонадонида бўлиб, унга тиббий муолажалар учун зарур дори воситалари топширилди ва манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

— Президентимиз томонидан инсон манфаати йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Нурота тумани «Сентоп» МФЙда истиқомат қилувчи Назира Мирзаева. — Давлатимиз раҳбарига мингдан-минг раҳмат. Рўзғоримиз учун керакли бўлган маиший жиҳоз совға қилинди. Буни қарангки, биз каби олис қишлоқларда истиқомат қилаётган кўнгли ярим аёллар ҳам эътибордан четда эмас экан.

Мазкур хайрли ишларнинг дастлабки босқичида саломатлигини мустаҳкамлашда қўмакка муҳтож инсонларга амалий ёрдам кўрсатилаётган бўлса, эндиги навбатда эҳтиёжманд оилаларни кундалик турмушда зарур маиший-техника жиҳозлари билан таъминлаш ишларини бошладик. Бундан кейинги босқичларда эса кам таъминланган оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, турар жойларини таъмирлаш ишларини амалга оширамиз. Мазкур тизимли тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аҳоли ўртасида кам таъминланганлик даражасини камайтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишдир.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан мамлакат миқёсида аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб қатламларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва унинг амалий натижасидан барча мамнун. Касаба уюшмалари ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этиб, кўрсатилаётган амалий ёрдамларнинг чекка қишлоқ ва туманларда яшаётган ижтимоий ҳимояталаб оилаларга манзилли етказилишини таъминламоқда.

Шуҳрат ҲАЛИЛОВ,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаш раиси ўринбосари

«HIGHWAY LOGISTICS» МАРКАЗИ ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◂1

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 январ куни Тошкент вилоятининг Зангиота туманига ташрифи чоғида ушбу марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, барча қулайликларга эга марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Грузия, Қозоғистон каби давлатларнинг логистика соҳасидаги тажрибаси ўрганилди. Ички ва ташқи бозор кўрсаткичлари, талаблари инобатга олиниб, халқаро ва миллий миқёсда юк ташиш хизматларини кўрсатиш, юкларга тезкор ва сифатли ишлов бериш, уларни жўнатиш тармоғи барпо этилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган, ҳудуди 14,2 гектар майдонга тенг марказда 350 иш ўрни яратилди. Корхонанинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннани ташкил этади.

— Мазкур лойиҳа мамлакатимиз ва хорижий тадбиркорларнинг экспорт ва импорт салоҳиятини ошириш, уларга сифатли хизмат кўрсатишни назарда тутади, — дейди «Highway Logistics» маркази бошқаруви раиси Анвар Турдиалиев. — Яъни хорижий юк автомобиллари пойтахт ҳудудига кирмаган ҳолда, шаҳар экологик инфратузилмасига зиён етказмай, юкларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва чиқиш ишларини ушбу логистика марказининг ўзида амалга ошириш имконияти мавжуд.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. У ерда марказлашган маҳсулотлар ғазнаси, божхона пости, банк, декларация тўлдириш, сертификатлаштириш ва кўрикдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматларини кўрсатувчи, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган. Барча хизматлар «Ягона дарча» маркази орқали амалга оширилади.

Маълумотларга кўра, юк ташувчи автомобил ҳайдовчиларининг кунлик харажатлари хорижий давлатларда ўртача 35-40 АҚШ доллари атрофида баҳоланади. «Highway Logistics» марказида эса уч маҳал иссиқ овқат, меҳмонхона хизмати ҳамда автотураргоҳ учун ўртача 20 АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўлаш кифоя.

Логистика марказида хорижий юк автомобилларини қайд этиб бориш тизими мавжуд. Бу хорижий юк машиналарининг ортга қўшимча юк ташиш орқали харажатларини қоплаш, ўз навбатида, экспорт товарларини икки баравар арзон нархларда манзилига элтиш имконини беради. Натижада экспорт қилинаётган товарлар учун йўл харажатлари камайиб, маҳсулот таннархи арзонлашади.

— Ушбу тизим хорижий корхоналарга қўшимча қулайликлар яратиб, тўғридан-тўғри ҳамкорлик қўламини кенгайтириш имконини беради, — дейди «Highway Logistics» маркази бошқаруви раиси ўринбосари Донийёр Сотволдиев. — 2017 йил ҳолатига кўра, пойтахтимиз ҳудудига кириб келган 30 минг юк автомобилининг ўртача 70 фоизини хорижий юк ташувчи автоуловлар ташкил этди. Шу маънода, бундай хизматларнинг марказимизда йўлга қўйилиши хорижий валюта тушумини оширишга ҳам хизмат қилади.

Марказда янада қулай шароитлар яратиш максадида мотель, миллий таомлар ошхонаси, автомобилларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, эҳтиёт қисмлар дўкони, 150 ўринли автотураргоҳ, маҳсулотларни сақлаш учун музлаткич омборлари, тезкор божхона ва брокерлик хизматлари йўлга қўйилган.

«Highway Logistics» маркази WMS Axelot омборни бошқариш, «Hormann» юк тушириш станцияси, хавфсизлик мультимедиа маркази ва ҳудудда узлуксиз видеокузатувни амалга оширадиган замонавий бошқарув тизимига эга.

Айни пайтда марказда бир вақтнинг ўзида 20 та юк машинасига юкларни расмийлаштириш, божхона кўригидан ўтказиш хизматлари кўрсатиш имконияти мавжуд. Жорий йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган «А» классдаги омборнинг ишга тушиши билан бир вақтнинг ўзида қўшимча 30 автомобилга хизмат кўрсатиш мумкин бўлади.

— Президентимиз «Highway Logistics» марказида ташкил қилинган божхона бўлими, мавжуд техникалар, транспорт қатнови ва маҳсулотларни ортиш ҳамда етказиш тизими билан танишиш асносида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда замонавий технологияларни қўллаш бўйича зарур кўрсатмалар берди, — дейди Анвар Турдиалиев. — Давлатимиз раҳбарининг эътибор ва тавсиялари 35 гектар майдонда қурилиши бошланган лойиҳанинг иккинчи босқичини жиҳозлаш ва лойиҳалаш учун айни муддао бўлади. Президентимиз келгусида бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш кераклигини айтди. Бу бизнинг фаолиятимизга берилган юқори баҳо бўлиши билан бирга, ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Ҳозирги кунда «Highway Logistics» замонавий логистика маркази темир йўллар, ҳаво, денгиз ва автомобил йўлларидан фойдаланган ҳолда Эрон, Туркия, Россия, Болтиқбўйи мамлакатларидан келаётган юк автомобиллари учун транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, марказ мамлакатимиз маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг ўз маҳсулотларини минтақа ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро транспорт коммуникацияларига кенг миқёсда интеграциялашувни таъминлашга хизмат қилади.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Ўзгача шукуҳ

Бола кулгусидан яшнайди дунё!

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимлар фарзандлари учун байрам тадбири ташкил этилди.

Ташкилотчилар томонидан йиғилганларга пул мукофоти ва Янги йил совғалари топширилди.

— Болажонларнинг юзидаги қувонч ифодасини бир сўз билан таърифлаш қийин, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуджон Якубов. — Улар циркда Янги йил томошасини мириқиб томоша қилгач, «Анҳор-Локомотив» боғида аттракционларда мириқиб ўйнашди. Санъаткорлар томонидан театрлаштирилган Янги йил дастури ҳам ёдда қоларли бўлди.

Бола кулгусидан яшнайди дунё! Байрам тантанасида қатнашаётган болажонларга боқиб, бу ҳикматнинг нақадар чуқур маъноли эканига яна бир бор амин бўлдик.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари — болаларга!

Қувончлар бир олам!

Янги йилни жиззахлик жажжилар ҳам завқ-шавқ билан кутиб олишди.

— Янги йил байрами тадбирларини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида касаба уюшма ва ҳомий ташкилотлар маблағларидан унумли фойдаланилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ш. Баҳриддинов. — «Меҳрибонлик» уйи, мактаб-интернат тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган болалар, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига арча байрами, театр томошалари, саёҳатлар уюштириш, совға-саломлар билан сийлаш ва бошқа тадбирлар юқори савияда ташкил этилди.

ЎзА сурати

Айниқса, воҳанинг олис ва тоғолди Фориш тумани мактабгача таълим муассасаларида уюштирилган тадбирлар ўзгача бўлди. Касаба уюшма ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан болажонларга совғалар тақдим этилиб, концерт дастурлари намойиш этилди.

Зарбдор туманининг Бўстон шаҳарчасида жойлашган кар-соқов болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳам касаба уюшмалари эътиборидан четда қолмади.

29-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳамда эҳтиёжманд оила фарзандларидан уч юз нафарига «Президент совғаси» топширилди. Тўкин дастурхон ёзилиб, ширинликлар таркатилди.

Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда мардларча ҳалок бўлган ҳарбийларнинг икки юз нафар фарзандига ҳудудий касаба уюшма бирлашмасининг Янги йил совғалари топширилди.

Умид ва қувончларга тўла тадбирларни сермазмун ўтказишда Жиззах шаҳри, Зафаробод, Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик туманлари тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва ҳомийлар ҳамкорлиги кўзланган мақсадларга эришишни таъминлади.

Янги йил шодиёналари барча ҳудудларда ана шундай кўтаринки руҳда нишонланди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Маънавият соати

Олий мақсадлар йўлида бирлашамиз

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хазорасп туман кенгаши томонидан 21-умумтаълим мактабида ташкил қилинган Маънавият соати «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» деб номланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятига кенг тўхталиб ўтилди.

Тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси К. Маткаримов, мактаб директори М. Жуманиёзова ва бошқалар ушбу тарихий Мурожаатнома мамлакатимиз тараққиётида, халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлади. Унда қайд қилинган, 2018 йилга белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳар бир фуқародан фидойилик ва ташаббускорликни талаб қилади. Бу эса барчани эзгу мақсадлар йўлида бирлашишга чорлайди.

М. ТЎРАБОЕВА

Юксалиш одимлари

Миллий тараққиётнинг қонуний ва иқтисодий негизи

◂1

Дарҳақиқат, қайд этилган жиҳатларнинг тўлиқ эътиборга олиниши хусусийлаштиришда аҳамиятли кўрсаткичларга эришилишини таъминлади. Республикамизда 1994 — 2016 йиллар мобайнида 32736 та давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилди. Биргина 2000 — 2016 йиллар мобайнида 10194 та давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар асосида 600 дан ортиқ акционерлик жамиятлари, 1200 дан ортиқ масъулияти чекланган жамиятлар, 5000 дан ортиқ хусусий корхоналар ташкил этилди. Бу даврда хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари ҳажми 1138 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашнинг муҳим жиҳати шунда эдики, мазкур маблағларнинг барчаси яна корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш каби тадбирларга йўналтирилди.

Мустақиллик йилларида хусусийлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўпгина тармоқлар, хусусан қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатишнинг барча турлари мулкдорлар ихтиёрига тўлиқ берилди. Тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, мебелсозлик, чарм-пойабзал ишлаб чиқариш саноати ҳамда уй-жой секторида давлат улуши кескин камайтирилди. 2017 йил 1 январ ҳолатига кўра, рўйхатга олинган корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулк корхоналарининг улуши 86,5 фоизга етди. Шундан 27,5 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 57,2 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этди.

Агар 1990 йилда ЯИМнинг 38,1 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 67,7, 2005 йилда 77,8, 2016 йилда эса 81,3 фоиздан иборат бўлди.

2017 йил маълумотларига кўра, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоиз кўпайди, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 854 миллион долларга етди, 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Аҳоли учун арзон ва сифатли барча қулайликларга эга бўлган 200 минг квадрат метрдан зиёд кўп қаватли уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда ЯИМ ўсиш суръатлари барқарорлигининг таъминланиши иқтисодиётимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг изчил ва самарали олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Натижада, Ўзбекистон иқтисодиётида нодавлат сектори салмоқли аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 67,7 фоиз, 2006 йилда 77,8 фоиз, 2008 йилда 79,4 фоиз, 2009 йилда 81,3 фоиз, 2010 йилда 81,7 фоиз, 2011 йилда 82,5 фоиз, 2014 йилда 82,9 фоиз, 2015 йилда 82.9 фоиз, 2016 йилда эса 81.3 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси энг юқори салмоқ — 99,9 фоизга етди.

Маълумки, юртимизда хусусийлаштириш жараёни мулкни ҳақиқий мулкдорларга бериш, иқтисодий муносабатларнинг тубдан ўзгариши учун реал шарт-шароитни яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиётда кўп укладликни ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш орқали давлатнинг мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни барпо этишдек стратегик вазифаларни бажаришга қаратилган.

Умуман олганда, хусусийлаштириш масаласи давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани мунтазам равишда такомиллаштиришга, тўпланган амалий тажрибани бойитишга жиддий эътибор қаратилмоқда, бу ўз навбатида, самарали натижаларни бермоқда. Жумладан, давлат активларини хусусийлаштиришда нархни пасайтиришнинг янги механизмлари татбиқ этила бошланди. Бунда, улар баҳосини 50 фоизгача, ойига 10 фоиздан пасайтириш механизми жорий этилди. Бу тадбиркорлик субъектларининг хусусийлаштириш дастурларига киритилган давлат корхона ва объектларини сотиб олишга катта қизиқиш уйғотмоқда. Инвестор учун яратилган турли имтиёзлар ҳам ўз сўзини айтмоқда.

Лекин, кези келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда илгари хусусийлаштирилган, аммо ҳозирги кунда бўш турган ва тўлиқ ишламаётган объектлар ҳам анчагина.

Бундай камчиликлар барча ҳудудларда мавжуд. Жумладан, 2017 йил 1 октябр ҳолатига кўра, бўш турган ёки тўлиқ ишламаётган объектлар сони Бекобод туманида — 33 та, Бўстонлиқ туманида — 47 та, Қибрай туманида — 11 та, Чиноз туманида — 47 та, Янгийўл туманида — 23 та, Чирчиқ шаҳрида — 70 та, Ангрен туманида — 63 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси маълумотларига кўра, қарийб 40 мингта хусусийлаштирилган объект қайта хатловдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 3 минг 900 таси бўш тургани ёки тўлиқ қувват билан ишламаётгани аниқланган. Ушбу объектларнинг 2700 таси фаолиятини қайта тиклаш ёки улар негизида янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этиш бўйича лойиҳалар ва «йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳалар доирасида 2,7 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади. 2017 йил 1 ноябргача 420 корхона фаолияти қайта тикланган, янги йил аввалигача яна 1800 объектда ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилади.

2017 йилнинг 10 ойи мобайнида 408 давлат объекти хусусий мулкдорларга сотилган. Уларнинг 278 таси 1,6 триллион сўмлик инвестиция киритиш ва 10 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш шарти билан «ноль» қийматида сотилган.

Бугунги кунда яна 388 давлат объекти сотувга қўйилган бўлиб, уларнинг 161 тасини «ноль» қиймати бўйича бериш режалаштирилган.

Республикамиз Президентининг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида шундай дейилади: «Биз бўш турган давлат мулки объектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишларни давом эттирамиз. Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартибини ўрнатиш зарур. Шу мақсадда 2018 йилдан бошлаб электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилади».

***

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириб, ривожлантириш ва шу асосда кишиларда мулкдорлик туйғусини уйғотишга жиддий эътибор қаратилди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун асос яратди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ишчи кучи бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

Масалан, 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 6737 минг кишини ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, уларнинг сони 10392,5 минг кишини ёки ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 75 фоизидан ортиғини ташкил этди.

2000 йилда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 50,1 фоизи шу соҳага тегишли бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 78,1 фоизга етди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасида банд бўлган аҳоли 2000 йилда 73,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 100 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотларини етиштириш ҳамда қурилиш соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши сезиларли равишда ортиб бормоқда. Жумладан, 1992 йилда кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улуши атиги 1,5 фоиз даражасида бўлса, 2016 йилда 56,9 фоизга етган. Бундай ижобий натижа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ ҳажмидаги улушини 2020 йилда 63 фоизга етказишни мўлжал сифатида белгилашга тўлиқ ишонч ва имкон яратади.

2005 — 2017 йиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш ясади. Бугунги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўринни эгалламоқда. Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилди.

Кейинги йилларда қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар иқтисодиётимиз ривожида ўзига хос янги даврни бошлаб берди. Жумладан, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлиги учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, инвестиция иқлимини яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий таъдбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа фурсат ичида бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари, шунингдек, мамлакат Президентининг кўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги қонун ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Бундай ҳужжатлар туфайли тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши янада мустаҳкамланди. Уларнинг фаолиятини асоссиз чеклаш ёки четдан ноқонуний аралашувлар йўлига қатъий тўсиқ қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари эндиликда фақат суд орқали қўлланилади. Бу эса назорат органлари ходимларининг ўз ишига янада масъулият билан ёндашишини тақозо этади. Боиси, улар текширув якуни бўйича тадбиркорга жарима қўллаш лозим бўлса, буни суд ҳукмига ҳавола этади. Барча ҳужжат ва далиллар суд томонидан холис ва чуқур ўрганилиб, даъво асосли бўлсагина, бу ҳақда қарор чиқарилади.

Тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизими такомиллаштирилиб, уни қонунга хилоф равишда талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, шунингдек, жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда янги қоидалар жорий этилди. Жумладан, ноқонуний текшириш натижасида мулкдорлар ҳуқуқларини бузганларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача чора кўрилади.

Жумладан, 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном берилиши билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш лозимлиги қайд этилди.

Текширишлар сони янада қисқартирилиб, қатъий тартибга солингани эса тадбиркор эркинлигининг ҳақиқий кафолати бўлди. Бир сўз билан айтганда, барча хизмат кўрсатиш, назорат ва бошқа идораларнинг асосий фаолияти тадбиркорлар манфаатини қондиришга хизмат қилишга йўналтирилди.

Янги қонунларда яратилаётган имкониятлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи хусусий тармоқнинг изчил ривожланишига йўл очмоқда. Зеро, тадбиркорликнинг ривожи мамлакатимиз ишлаб чиқариш салоҳиятининг янада ортиши, халқимиз турмуш даражасининг юксалиши кафолатидир.

Кези келганда, кичик бизнеснинг жадал ривожланишида, аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражада рағбатлантирувчи рол ўйнаётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, 1996 — 2016 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқартирилди.

Ўсиш, ўзгариш, юксалиш ўз-ўзидан юз бермайди. Маълумки, мамлакатда олиб борилган солиқ сиёсати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир этадиган асосий иқтисодий дастаклардан бири ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юки 1995 йилда 41,2 фоиз, 2000 йилда 39,5 фоиз бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 20,6 фоизга тенг бўлди.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари бир нечта солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлайдилар, ушбу солиқнинг асосий ставкаси 2010 йилда 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 6 фоиз, 2013 йилда эса 5 фоиз этиб белгиланди. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкасининг йилдан-йилга пасайтириб борилиши кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошишига хизмат қилмоқда. Масалан, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 56,9 фоизга етди. Барча тадбирлар натижасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2015 йил давомида 32,2 мингтага ошиб, 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 226 мингдан зиёдни (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этди.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида кўп ишлар қилинди. Жумладан, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви кескин чекланди, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш, рухсат бериш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди ва уларнинг ошкоралиги таъминланди, солиқ ставкалари унификация қилиниб, камайтирилди, маҳсулотларни стандартлаш ва сертификатлаш тизими такомиллаштирилди, биржа савдоларини ривожлантириш орқали тадбиркорларнинг моддий-техник ресурслардан эркин фойдаланиши билан боғлиқ кўп масалалар ҳал қилинди, микрокредитлаш ва микролизинг йўли билан тадбиркорларга кредит беришнинг янги шакллари жорий этилди ва булар, ўз навбатида, ижобий натижасини бермоқда.

Янги тузилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизимини яратиш мақсадида 2006 йилда махсус банк — «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Шу йилдан бошлаб, банкнинг асосий фаолият йўналишларидан бири — тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, микрокредитлаш ва микролизинг хизматларини кўрсатиш эканлиги белгилаб қўйилди.

2016 йилда «Микрокредитбанк» ҳамда унинг филиаллари томонидан барча молиялаш манбаи ҳисобчиси тадбиркорлик субъектларига 1 триллион 130 млрд. сўм миқдоридаги кредит ажратилган. Натижада, қарийб 40 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Айни пайтда ҳар бир оилани тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, айниқса, ишбилармонларга молиявий кўмак ва мадад бериш йўлида тизимли ишлар олиб бориляпти.

2017 йилда 23 мингдан зиёд кишига 143,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Ёшларни, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш орқали тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида 2016 йилда 66,6 млрд. сўм кредит йўналтирилди.

Қай томонга қарамайлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўламиз. 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 56,9 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 45 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 78,1 фоизи шу соҳада фаолият юритмоқда.

Жаҳон банкининг 2017 йил 31 октябрда эълон қилинган «Бизнесни юритиш 2018: иш ўринлари яратиш учун ислоҳотлар» маърузасига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 190 давлати ичида 74 ўринни эгаллаб, ўтган йилдаги мавқеини бир йўла 13 поғона яхшилади. Қолаверса, мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича ислоҳотчи давлатларнинг биринчи ўнталигига киришга муваффақ бўлди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва бизнес юритиш шароитларини соддалаштириш бўйича Европа ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари орасида етакчига айланишига имкон берди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимининг тубдан такомиллаштирилгани туфайли Ўзбекистон корхонани рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича 11-ўринни банд этди.

2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини онлайн рўйхатдан ўтказиш тизими ишлай бошлади. Унга кўра, рўйхатдан ўтиш жараёни аввалги икки иш куни ўрнига атиги 30 дақиқани банд этмоқда. Тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш жараёни онлайн тарзда тўлдирилган ариза асосида амалга оширилмоқда.

2017 йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўп бизнес субъектлари ташкил этилганининг ўзиёқ мамлакатимизда бизнес субъектлари очишнинг нақадар осон эканлигидан дарак беради.

Халқимизнинг эртанги кунга ишончи шунинг учун мустаҳкамки, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг юртимиз равнақи йўлида бошлаган самарали ишлари Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан юксак азму шижоат билан давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунлар ҳамда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида Ўзбекистон янги марраларни кўзлаётгани ва мамлакатимиз ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйганидан дарак беради. Бу ислоҳотлар, ўз навбатида, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини янада кўтарилишига қаратилгандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «…тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади…

Яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатига хиёнат, деб қабул қилиш керак».

Зеро, Президентимиз Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномада қайд этилганидек, «...халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир».

Турғун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг фахрий доктори,
Отажон ОМОНОВ,
Тошкент иқтисодиёт коллежи директори в.б.
Дилдора ЁҚУБ,
Тошкент иқтисодиёт коллежи «Молия ва иқтисодиёт» кафедраси мудири

Касаба уюшмалари – ички туризмни ривожлантириш йўлида



Узайтирилган дам олиш кунлари таассуротга бой бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, касаба уюшма ташкилотлари томонидан республикамиз худудларидаги ҳар бир меҳнат жамоасида ушбу фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Янги йил байрами муносабати билан узайтирилган дам олиш кунларида корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳамда улар оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш, ички туризмни ривожлантириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотларида махсус штаблар ташкил этилиб, «Республика корхона, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ички туризм ва фаол дам олиш ишларини ташкил қилиш режаси» ишлаб чиқилди ҳамда тизимли тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 30 декабридан 2018 йилнинг 4 январига қадар жами 18 минг 607 нафар ходим ва улар оила аъзоларининг ўзлари яшаб турган жойлар ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги диққатга сазовор масканлар — тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларга саёҳатлари ташкил этилди.

ШУ ЖУМЛАДАН, КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН:

530 нафар Жиззах вилояти меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрига;

844 нафар Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрига;

50 нафар Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Самарқанд вилоятига;

20 нафар Сирдарё вилояти меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Тошкент шаҳрига;

330 нафар Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Хоразм вилоятининг Хива шаҳрига;

80 нафар Андижон вилояти меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Қўқон шаҳрига;

100 нафар Хоразм вилояти меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманига саёҳатлари ташкил қилинди.

Турли соҳа ходимлари билан бўлган мулоқотлар чоғида улар саёҳатларнинг байрам кунларида ташкил этилганлиги қўнгилдагидек иш бўлгани ҳамда унутилмас таассуротлар қолдирганини таъкидлашди.

— Президентимизнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонини барчамиз катта ҳурсандчилик билан кутиб олдик, — деди саёҳат иштирокчиларидан бири, Андижон вилоятилик Нодирахон Аюбова. — Байрам кунлари оила аъзоларимизнинг жам бўлиши, фарзандларнинг таътил кунларида ота-оналар билан бирга ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратиб берилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари учун ташкил этилган саёҳатлар дам олиш кунларимизнинг янада марокли бўлишини таъминлади. Давлатимиз раҳбарига мана шундай ажойиб имкониятларни яратиб берганликлари учун самимий миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бундан буён белгиланган барча байрам кунларини ушбу фармон асосида худди шу тарзда кўтаринки руҳда ташкил этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Саёҳат

Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан 40 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари иштирокида Урганч – Бухоро – Самарқанд – Урганч йўналиши бўйлаб саёҳат ташкил қилинди.

Мароқли онлар

— Мақсадимиз, касаба аъзоларининг бўш вақтини мазмунан тўлдириш, уларни юртимизнинг тарихий қадамжолари ва истиқлол йиллари бунёдкорликлари билан яқиндан таништиришдир, — дейди бирлашган қўмита раиси Гулхоним Аминова.

— Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро янада кўркам қиёфа касб этганлигидан фахр-ифтихорга тўлдик, — дейди вилоят перинатал маркази қабул бўлими ҳамшираси Шоира Рўзметова. — Буюк аждодларимиз излари қолган кўчалардан борар эканмиз, қалбимиз жунбушга келгандек бўлди. Эндиликда ушбу бой меросни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Навбатдаги манзил — Шарқ гавҳари саналмиш Самарқанд шаҳри бўлди.

— Биринчи Президентимиз қабрини зиёрат қилиб, бизга озод ва обод Ватан қолдирган буюк инсоннинг улуғвор хизматларини чуқур миннатдорлик билан ёдга олдик, — дейди Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази вилоят филиали қабул бўлими ЭКГ шифокори Зулфия Одамбоева.

Регистон, Шоҳи Зинда, Амир Темур мақбараси ва бошқа кўплаб тарихий обидалар тиббиёт ходимларида катта таассурот қолдирди.

— Бухоро ва Самарқанд ҳунармандларининг қўл меҳнати маҳсули бўлган бетакрор буюмлар ҳам эътиборимиздан четда қолмади, — дейди Урганчдаги 1-оилавий поликлиника ҳамшираси Ширин Отажонова.

Саёҳатдан маънавий-руҳий куч-қувват олган тиббиёт ходимлари ўз фаолиятни янада жўшқин кайфиятда давом этдирмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

«ТОШКЕНТ — ЧИМКЕНТ — ТОШКЕНТ» ЙЎНАЛИШИДА АВТОБУСЛАРНИНГ ИЛК ҚАТНОВИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Тошкент шаҳри ва Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри ўртасида йўлга қўйилган автобусларнинг илк синов қатнови жорий йил 5 январ куни муваффақиятли амалга оширилди.

Мазкур халқаро автобус йўналишининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар бу муҳим воқеа икки қардош халқ ўртасидаги тарихий дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлганида икки томонлама транспорт қатновлари самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам келишувга эришилган эди.

Бугун ана шу келишувда кўзда тутилган режалар амалга ошди. Бу икки қардош халқ ўртасидаги тарихий дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Автобус Тошкент вақти билан соат 8:00 да пойтахтимизнинг «Тошкент» автовокзалидан йўлга чиқди. Икки мамлакат чегара назорати постидан ўтган автобус Чимкент шаҳри томон йўл олди. Умумий масофа 145,2 километр. Ўзбекистонлик жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўтирган автобус соат 11:30 да Чимкент шаҳри автовокзалига кириб келди.

Бу ерда ўзбекистонлик меҳмонлар Чимкент шаҳри жамоатчилиги томонидан тантанали кутиб олинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилгани, бу борадаги эзгу ишлар янада кенг миқёсда давом этаётганини, 2018 йил Қозоғистонда «Ўзбекистон йили» деб эълон қилингани тарихий дўстлик алоқаларини янгича руҳда давом эттиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистонлик илк йўловчилар Чимкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

— Биз қардош халқларимиз, тарихимиз туташ, тўй-маъракамиз бир, қуда-андамиз. Шу боис ўзаро мустаҳкам ришталар билан боғланганмиз, — дейди Қозоғистон Республикаси ўзбекларининг «Дўстлик» ассоциацияси раиси Икром Ҳошимжонов. — Бугун тарихий кун. Мамлакатларимиз ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилмоқда. Бу ота-боболаримиздан мерос ҳамжиҳатлигимизнинг яна бир намунасидир.

Шу куни Чимкентдан Тошкентга кораб навбатдаги автобус йўл олди. Унда ташриф буюрган қозоғистонлик меҳмонлар «Тошкент» автовокзалида катта тантана билан кутиб олинди. Меҳмонлар Мустақиллик майдонини томоша қилди, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Akfa Medline» тиббиёт маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

— «Тошкент — Чимкент — Тошкент» йўналишида йўлга чиққан автобус 3,5 соатда Чимкентга етиб борди. Йўлда Ўзбекистоннинг «Ғишт кўприк» ва Қозоғистоннинг «Ипак йўли» чегара назорати постларидан ўтилди. Бу ерда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилгани гувоҳи бўлдик, — дейди Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Шоолим Шоваҳобов. — Режага кўра, жорий йилнинг 8 январидан бошлаб «Тошкент — Чимкент — Тошкент» йўналишида Ўзбекистон ва Қозоғистон томонидан 5 тадан, жами 10 автобус йўналишга қўйилади. Ҳар бир соатда 1 тадан автобус йўлга чиқади. Бугунги маълумот бўйича йўл кира ҳаки 85 минг сўм этиб белгиланган. Шунингдек, 7 ёшгача бўлган болалар учун чипталар бепул тақдим этилади.

Мутахассислар мазкур автобус қатновининг йўлга қўйилиши ижтимоий-иқтисодий ва туризм соҳаси ривожига ҳам хизмат қилишига ишонч билдирмоқда.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎзА мухбири
Тошкент — Чимкент — Тошкент

Спорт тадбири

Муносиблар тақдирланди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги ҳамда Янги йил муносабати билан ишчи-ходимларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ходимлар ўртасида ўзаро дўстона муҳитни шакллантириш мақсадида Пенсия жамғармаси туман ва шаҳар бўлимлари ўртасида мини-футбол бўйича турнир ўтказилди.

«Атлетико» спорт мажмуасида бўлиб ўтган турнир барча иштирокчиларга завқ-шавқ улашди.

Якунда Учкўприк тумани жамоасига 1-ўрин насиб этди. Фарғона шаҳар жамоаси 2-ўрин ва Марғилон шаҳар жамоаси 3-ўринни эгаллади. Ғолиб жамоалар мусобақа ташкилотчилари томонидан муносиб тақдирланди.

Шунингдек, Учкўприк туман жамоасидан Элёржон Умарқулов «Энг яхши ҳужумчи», Фарғона шаҳар жамоасидан Фурқат Абдураҳмонов «Энг яхши дарвозабон», Марғилон шаҳар жамоасидан Дилшод Турдибоев «Энг яхши ҳимоячи» ҳамда Ёзёвон туман термаси «Энг яхши жамоа» номинациялари бўйича тақдирланди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама

«Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосида қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда.

1. Термиз шаҳар «Сурхонпахтатранс» МЧЖ томонидан савдога чиқарилган, 2003 йилда и/ч, «Тико» русумли, 75/297 DAA давлат белгили, таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси — 1240 000 сўм.

2. Олтинсой тумани «Сайхун Саховатн» фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчиси томонидан савдога чиқарилган 2008 йилда и/ч, Беларус-80Х русумли, 98-18 ЕЦ д/б, таъмирталаб трактор. Бошланғич баҳоси — 9 050 000 сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 3/45-уй манзилида 2018 йилнинг 6, 7 феврал кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo universal mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Хамкорбанк»даги х/р: 20208000400426628001, МФО:01001, ИНН:303172243 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур автотранспорт воситаси ушбу савдода сотилмай қолганда, такрорий савдолар 23 феврал куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 3/45-уй. Тел: 0-376-224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. **Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
S. Abdurahmonov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 02:00
Topshirildi — 02:20
1 2 3 5 6
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma A — 109.
31639 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133